



**БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОНИ БИЛАН МАСОФАВИЙ ГАММА
НУР ТЕРАПИЯ ҚАБУЛ ҚИЛГАН БЕМОРЛАРДА ЦИСПЛАТИННИНГ
АҲАМИЯТИНИ БАХОЛАШ**

С.С.Зайниддинов

**Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали ва Республика
ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт
маркази Сурхондарё филиали**

Мақсад: бачадон бўйни саратони ташхиси билан масофавий гамма нур терапия қабул қилган беморларда радиомодификатор цисплатиннинг аҳамиятини ўрганиш.

Материал ва усуллар: тадқиқот объекти сифатида РИОваРИАТМ Сурхондарё филиали радиология бўлимида стационар шароитда 2024 йил июнь-декабрь ойлари давомида “Терабалът 80” аппаратида бачадон бўйни саратони ташхиси билан масофавий гамма нур терапия қабул қилган беморларнинг 23 таси ретроспектив ўрганилди. Ушбу беморларнинг барчаси клиник-инструментал текширувлардан ўтган, морфологик жихатдан ўрганилган. Ушбу беморларнинг 18 таси (78%) II босқичда, 5 таси (22%) III босқичда муружаат қилган. Барча беморлар РОД-2.0Гр, СОД-46Гр ДГЛТ қабул қилган.

Ионлашган нурлар ва ўсмага қарши дори воситаларини биргаликда қўллаганда, ҳар бир компонентнинг ўзаро самараси тўпланиши ҳисобига ўсма хужайрасининг радиосезгирлигини оширишга кўмаклашиши туфайли ўсманинг регрессиясига шароит яратилади. Бугунги кунда кимёвий радиомодификация препаратларидан платина сақловчилар (цисплатин) кенг қўлланилмоқда. Цисплатин ДНК билан ковалент боғланиб, унинг синтези ва функциясини бузади.

Натижалар: ўрганилган 23 та беморнинг 3 тасида (13%) майда хужайрали карцинома, 1 тасида (2.3%) эндометриод карцинома, 19 тасида (82.7%) ясси хужайрали карцинома қайд этилди. 23 та беморнинг 13 таси кичик чаноқ соҳаси МРТ текширувидан ўтган; 9 тасида (69%) кичик чаноқ лимфа тугунлари лимфаденопатияси қайд этилган бўлса 4 тасида (31%) ўзгаришлар аниқланмаган. Жами 23 та беморнинг ясси хужайрали карцинома қайд этилган 19 тасида нур терапия билан биргаликда цисплатин тавсия этилган бўлиб, гемодинамикадаги ўзгаришлар ва бемор ёндош касалликлари ҳисобига улардан 4 таси (21%) цисплатин 50 мг дан 1 хафтада 1 маҳал қабул қилган. Цисплатин қабул қилган беморларда нур терапия давомида гематотоксик асорати билан боғлиқ шикоятлар устунлиги сақланиб қолди.



"SUT BEZI VA BACHADON BUYNII SARATONI SKRININGI VA UNING ISTIQBOLI" MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIIY-AMALIIY ANJUMANI

Хулоса: бачадон бўйни саратони билан кимё-нур терапия бирга қўлланганда анъанавий нур терапия билан солиштирганда маҳаллий-регионар рецидивлар (3 карра) ва тарқалган метастазлар (5 карра) камайишига, бемор умри узайишига эришиш мумкин.